



## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА ЖАМОАТ ТУЗИЛМАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ

---

*Сувонова Сожида Жумахон қизи*

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг*

*306-гурух курсанти*

**Аннотация:** ушбу мақолада, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида амалга оширилган ишлар ҳамкорлик, органлар фаолиятини ташкил этиш жараёнлари, амалга оширилган ишлар ёритиб берилган.

**Таянч сўзлар:** профилактика, қонун, субъект, ҳуқуқбузарлик, ижтимоий хавфлилик, мамурий, жиноий, жавобгарлик.

**Аннотация:** в данной статье освещена работа, проводимая в сфере профилактики преступлений, сотрудничества, процессы организации деятельности органов, проводимая работа.

**Ключевые слова:** предупреждение, закон, субъект, правонарушение, общественная опасность, административная, уголовная, ответственность.

**Abstract:** in this article, the work carried out in the prevention of crimes, cooperation, the processes of organizing the activities of the bodies, the work carried out are highlighted.

**Key words:** prevention, law, subject, offense, social danger, administrative, criminal, liability

Бугунги кунда ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишга энг асосий ваколатли субъектлардан бири булиб, ўз фаолияти жараёнида ҳуқуқ тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виқтимологик чора-тадбирларни амалга оширишда бевосита давлат ва нодавлат ташкилотлари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш бошқариш органлари, аниқроқ айтганда, жамоат тузилмалари билан ҳамкорлик қилади.



Аммо бугунги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида жамоатчилик институтининг иштироки сезилмаяпти. Бу борада мамлакатимиз раҳбари Шавкат Миромонивич Мирзиёевнинг “Давлат идоралари аксарият ҳолларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси сифатида баҳолаб, оқибатда ушбу фаолиятга лозим даражада эътибор қаратмаяпти. Ваколатли органларнинг етарли даражада ташаббус кўрсатмаётганлиги, лозим даражадаги идоралараро ҳамкорликнинг мавжуд эмаслиги. Амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг ўзаро номуносиблиги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштиришни талаб этади” – деган танқидий ва ўринли фикрини келтириб ўтиш жоиз. Бугун юртимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш борасида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Мазкур ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири сифатида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишдаги ролини ошириш, “Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак” деган шиорни амалда таъминлаш, маҳаллани ҳуқуқбузарликлар профилактикасида давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқаролар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ядросига айлантиришга чора тадбирлардан иборат.

Профилактика инспектори жамоат тузилмалари билан ҳамкорликдаги фаолияти ўзига бириктирилган ҳудудда жамоат тузилмалари билан жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жиноятчиликка қарши кураш ва аҳолига ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга қаратилган, муайян вақт ва жойда амалга ошириладиган, усул ва воситаларга эга қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар йиғиндисидир.

Шу нуқтаи назардан қаралганда, профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда жамоат тузилмалари билан ҳамкорлиги:

Биринчидан, ушбу соҳадаги қонунчиликнинг ижросини таъминлашда;

Иккинчидан, профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини янада самарали ташкил этишга хизмат қилади.

Учинчидан, аҳолининг барча қатламларига бирдай профилактик чора-тадбирларни қўллашда тезкорлик ва тежамкорликка эришиш учун муҳимдир.



Бундан ташқари, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, профилактика инспекторлари кенг жамоатчилик, меҳнат жамоалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг фаол ёрдамига таянган ҳолда ички ишлар оранларининг соҳавий хизматлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар ҳамкорликда қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш талабларини бажаришга маъсул субъект ҳисобланади.

Юқоридагиларга асосланиб хулоса қиладиган бўлсак, профилактика инспекторининг жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорлигини самарали ташкил этиш, нафақат жамиятда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, балки аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси  
<https://constitution.uz/uz/clause/index>.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ички Ишлар Органлари тўғрисида”ги Қонуни, 16.09.2016 йилда қабул қилинган ЎРҚ-407-сон  
<https://lex.uz/docs/3027843?ONDATE2=21.04.2021&action=compare>.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси <https://lex.uz/acts/111453>.
4. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси  
<https://lex.uz/acts/97664>.
5. Ўзбекистон Республикасининг Кодекслар тўплами  
<https://kitobxon.com/uz/kitob/ozbekiston-respublikasining-kodekslari-toplami-1-2-jildlar>.
6. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.10.2019 й., 09/19/865/3908-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 11.02.2022 й., 07/22/126/0125-сон.